«ЗАРБУЛМАСАЛ» ЗАРБИНИНГ ЖАРАНГЛАРИ БОҚИЙДИР

(Филология фанлари доктори, профессор Ф.Исҳоқовнинг 90 йиллик таваллудига бағишланади)

А.Собиров

Мақолада Андижон тилшунослигининг забардаст вакилларидан бири профессор Фатҳиддин Исҳоқовнинг ҳаёти ва илмий фаолияти, фанимиз тараққиётига қўшган ҳиссаси ёритилган.

***Калит сўзлар**: тилшунослик, Гулхаий, «Зарбулмасал», манба, қўлёзма, матн, матншунослик*

В статье освещены жизнь и научная деятельность видного представителя андижанской филологической школы Фатхиддина Исхакова, его роль в развитии узбекского языкознания.

***Ключевые слова**: языкознание, Гулхани, «Зарбулмасал», источник, рукопись, текст, текстология.*

The article highlights the life and scientific activity of the prominent representative of the Andizhan philological school Fathiddin Iskhakov, his role in the development of Uzbek linguistics.

***Key words:** linguistics, Gulhani, «Zarbulmasal», source, manuscript, text, textology.*

Қуёшнинг қуёшлиги нимада? Унинг ҳаммага баравар нур сочиши, илиқлиги ва иссиқлигида, совуқ кунларда жонингга аро киришида эмасми? Ўзбек тилшуносларининг ўз даврида зукколаридан, пешқадамларидан, Андижон тилшунослик мактабининг бағри кенг асосчиларидан бири, дилдор суҳбатлик, киришимлик, хушсурат инсон, филология фанлари доктори, профессор Фатҳиддин Исҳоқов ана шундай табаррук матлабга эга бўлган зотлардан эди. У билан суҳбатлашган таниш-нотаниш одамларнинг барчаси худди қуёшга интилгани каби Фатҳиддин аканинг суҳбатлари томон ҳаракатланиб, у бор бўлган давраларни қўмсаб қолишарди. Домланинг гап-сўзлари, юриш-туриши, муомала-муносабатларида қадим ўзбек зиёлиларига хос бўлган мукаммал билим, нодир илм, шунга мос равишда ибратомуз камтарлик, хушмуомалалик, очиқ юзлилик, ширин истеҳзо барқ уриб турарди. Тозалик ва покизалик, суҳбатдошига озор бермаслик Фатҳиддин аканинг ҳаёт шиори эди. Кийган кийимидан тортиб, тутган иш қуролларигача, минган машинасигача – ҳамма-ҳаммаси тартибга, топ-тозаликка йўғрилган бўларди.

Ҳали ҳам эсимда... Бир куни қаттиқ ёмғир ёғди. Кўчалар лой бўлди. Ишга келсак, ҳамкасбларимизнинг оёқ кийимларига қараб бўлмай қолган экан. Ичимизда фақат Ф.Исҳоқовнинг оёқ кийими ялтираб турарди. Ўқитувчилардан бири ҳазиллашди: «Осмонда учиб келдингизми ёки ишхонада ётиб қолдингизми?» Домла пинагини бузмасдан ҳозиржавоблик билан жавоб берди: «Лойнинг ҳам бетга сачрайдиганлари, камтарлари бўлади. Сизлар ўша беътасирларини босиб келгансизлар. Мен камтарларига аста оёқ қўйиб келдим...»

Домланинг ҳаётидан бизга ибрат бўладиган бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳими, устозда одамийлик ва тил илми мукаммал эди. Шарқироқ сойларга эътибор берганмисиз?! Улар ҳаммани ўзига чорлаб, атрофга томчилар сочиб, каттаю кичикнинг эътиборини ўзига жалб этиб шариллаб оқади. Амударё, Сирдарё каби азим сувлар эса босиқлик билан, ички куч-қудрат билан ўз йўлида олдинга қараб одимлайди. Ф.Исҳоқов ана шундай илм дарёларидан бири эди.

Халқ ичида шундай гап юради. Бир киши унлилар ҳақида тушунмаган саволи билан шу соҳа олимига мурожаат этган экан, у: «Мен ундошлар билан шуғулланганман, фалончига боринг», – деб уни жўнатиб юборибди. Ф.Исҳоқовда бундай акс характер бўлмаган. У ўзбек тилшунослигининг барча соҳаларидан: эски ўзбек ёзуви, тил тарихи, фонетика, лексика, грамматика, услубият, қўйингки, этимологияю жой номларигача – ҳаммасидан мукаммал хабардор эди. У ўз даври илм аҳли ва муаллимларига хос бўлган касбий ва илмий маҳоратга етишган улуғ зотлардан бири саналарди.

Конфуций ҳикматларида «Эскини эъзозлаб, янгини ўзлаштирган зотга муаллим дейилиши» таъкидлаб ўтилган. Муаллимлик рутбаси Ф.Исҳоқовнинг тан-танига сингиб кетганди. У узоқ йиллар мобайнида Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети ҳамда Андижон давлат Тиллар педагогика институтида кафедра мудири, факультет декани лавозимларида сидқидилдан меҳнат қилди. Домланинг ҳар бир дарсда талабаларга қилган муомаласини «Устоз-шогирд» ўртасидаги мумтоз муносабатларнинг ибрат намунаси сифатида талқин қилсак, янглишмаган бўламиз. Устоз тилидан йигитларга нисбатан «мулло», қизларга нисбатан «отинча» нисбаларининг айтилиши ундаги талабаларга бўлган меҳр-муҳаббатнинг, чексиз ишончнинг ўзига хос кўринишлари эди. Ф.Исҳоқов умрида бировга «Сен» демаган камсуқум инсон эди. Унинг аччиқланишлари, бировдан хафа бўлишлари ҳам бобирона, лутф аралаш бўларди. Мажлис ўтка-

зишлари бир томондан жиддий, иккинчи томондан ўзбекона жамжиҳатлик билан бир пиёла чой устида бўларди-қўярди. Лекин ҳеч қачон у ишлаган ерда ҳужжат тўлдиришда, ҳисобот ёзишда камчиликлар бўлмаган. Домла декан, кафедра мудири сифатида ўзига тегишли доиранинг поклигини, тозалигини таъминлаб ва муҳофаза қилиб турган. Буларнинг ҳамма-ҳаммасини у китоблардан, устозларидан йиллар давомида чеккан машаққатлари, меҳнатлари эвазига қўлга киритганди. Устозлари С.Иброҳимов, Ғ.Абдураҳмонов, П.Шамсиев, А.Ғуломовларга нисбатан ҳурмати баланд эди.

Энг кераклиси ва муҳими, Фатҳиддин Исҳоқов илм одами эди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома» асарида Андижон халқи ҳақида айтаётиб: «Элининг ҳейли ҳусни бор» деган иборани ишлатади. Мутахассислар буни «очиқ юзли инсонлар», «чиройлилари кўп бўлган» тарзида изоҳлашади. Аслида, Бобур бу ибора орқали шу элнинг довруғини тарқатган, машҳур илм-фан, ҳунар соҳибларини назарда тутган эди. Ф.Исҳоқов ўзининг ибратли ҳаёти ва сермаҳсул ижоди билан бу таърифга мос равишда Андижон илм аҳлининг «хейли ҳуснлари»дан, ўз юртининг фидойи фарзандларидан бири бўлиб қолди.

Ф.Исҳоқов характеридаги бош чизгилардан яна бири у Навоий, Бобур, Нодира, Машраб, Огаҳий каби улуғ инсонларнинг чинакам шайдоси, мафтуни эди. Шу боис у умр бўйи қуйидаги нақлга амал қилиб яшади. «Маънавиятимизни улуғ мутафаккир боболаримиз илмий ва адабий меросисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Уларнинг асарлари аслиятда ўқилсагина, ҳақиқий баҳра олиш нелигини, мазмун ва шаклнинг гўзал уйғунлигини туйиш мумкин [1].

Мисоллар келтирамиз. Матбуотда «Бобирми ёки Бобур» номи билан мақолалар чиқиб, аксарият нашрларда «Бобур» тарзида ёзиш анъанаси бошланганда, Ф.Исҳоқов «енгини шимариб «сабр», «наср», «қадр» каби сўзларнинг «Собир», «Носир», «Қодир» кўринишида ёзилиши мисолида азалдан тилимизда қўлланиб келинган «Бобир» шаклини бор овози билан қўллаб-қувватлаган ва шундай ёзиш лозимлигини илмий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилган зиёлиларимиздан бири бўлганди.

Фақат бугина эмас, у Бобурнинг ашаддий ишқибозларидан, тарафдорларидан эди. Адиб ижодига бағишлаб ўнлаб илмий-услубий мақолалар ёзди, «Бобурнома» асарининг кейинги нашрлари учун бошчилик қилганлардан бири бўлди, «Бобурнома» учун қисқача изоҳли луғат» [2] чоп эттирди. Устоз ҳаётида бу каби мисоллар кўп...

Ҳар бир олим, изланувчи ўзидан кейинги авлодларга нурга, маърифатга, зиёга йўғрилган ва ўзи томонидан йиллар давомида катта машаққатлар эвазига бажарилган илмий изланишларини мерос қилиб қолдиради. Ф.Исҳоқовнинг ана шундай шарафга лойиқ илмий ишлари Гулханийнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ. Олим 30 йилдан зиёдроқ вақтини оташнафас шоир Гулханийнинг «Зарбулмасал» асари устида жиддий изланишлар олиб боришга сарфлади. «Гулханийнинг «Зарбулмасал» асари» [3], «Мактабда Гулханий адабий меросининг ўрганилиши» [4], «Зарбулмасал» – ценный памятник для истории узбекского языка» [5], «Эски ўзбек ёзуви» [6] номли асарларини чоп эттирди.

Тунги оромлардан, кундузги роҳатлардан воз кечиб қилинган саъй-ҳаракатлар 1997 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ҳамид Сулаймон номидаги Қўлёзмалар институтида «Гулханий «Зарбулмасал»ининг илмий-танқидий матни» мавзусидаги докторлик иши ҳимояси билан якунланди [7]. Ўшанда устоз 69 ёшда эди. Докторлик ишини ҳимоя қилиш жараёнида Ф.Исҳоқов билан бир хонада яшаган профессор С.Мўминовнинг эслашича, домла шу қадар қаттиқ ишлар эканки, ҳар куни дам олиш олдидан Сиддиқжонга: «Кечқурун менга бир нарса бўлиб қолса, уйимдагиларга хабар қиларсиз...»– деб телефон рақамини стол устига қўйиб қўяр экан. Мана, сизга илмга фидойилик, садоқат.

Маълумки, адабий манбашунослик ва матншунослик бўйича бажарилган ишлар бошқа тадқиқотларга қараганда ўта нозиклиги ва аҳамиятлилиги билан ажралиб туради. Боиси манбадаги биргина ҳарфни нотўғри ўқиш ёки сўз изоҳида адашиш тадқиқотчини бутунлай бошқа бир томонга адаштириб кетиши мумкин. Ф.Исҳоқовдаги катта тажриба, эски ўзбек ёзувидан мукаммал хабардорлик, халқимиз тарихини яхши билиш докторлик ишининг аъло даражада бажарилишини таъминлаган.

Ф.Исҳоқов Гулханий яшаган давр тарихини обдон ўрганган, адибнинг ҳаёт йўли ва ижодини ўша давр кўзи билан кузатган, тарихий манбалар устида жиддий кузатувлар толиб борган, «Зарбулмасал»нинг қўлёзма ва тошбосма нусхаларини топиб, уларни қиёсий-типологик жиҳатдан текшириб чиққан, асар матнининг тарихий-назарий асосларини ишлаб чиқиб, унга кўра матн тамойилларини белгилаган ва асар қўлёзмаларини танқидий баҳолаган. Эътибор берилса, олим томонидан «Зарбулмасал» устида бир неча босқичли, жиддий текширувлар амалга оширилган. Шунинг ўзиёқ Ф.Исҳоқовнинг ўзбек адабий манбашунослиги, гулханийшуносликка қўшган катта бир ҳиссасини кўрсатиб турибди. Тадқиқот манбашуносликка улкан ҳисса бўлиб қўшилди. Диссертацияда кейинги тадқиқот ишлари учун ибрат бўлгудек жойлар жуда кўп. Масалан, Ф.Исҳоқовнинг Кордон, Турумтой, Яполоққуш, Бойўғли, Кулонкир султон каби қуш номларини одам ўрнига кўчириш – антропоморфизациялаш усули ҳақида билдирган фикр-мулоҳазалари ўз даври тилшунослиги учун янгилик саналган [7].

«Зарбулмасал»да тилга олинган «Туя билан Бўталоқ», «Тошбақа билан Чаён», «Маймун билан Нажжор» каби масаллар ва улар ичида номла-

ри келтирилган Холвоқи мисгар, Ёдгор пўстиндўз, Ниёзча оталиқ, Яҳёхўжа котиб, Бобожон Ашир чўлоқ ўғли каби тарихий шахслар ҳақида ҳам тадқиқотчи ўз ишида ечим топиб берган.

Асарда қўлланган 2300 дан зиёд сўз, 60 га яқин тарихий шахс, 60 дан ортиқ қуш номлари, 50 дан кўпроқ топонимларнинг ҳар бири устида Ф.Исҳоқов йиллар давомида изланишлар олиб борган.

Биргина мисол. Ф.Исҳоқов мақсади йўлида асарда тилга олинган жойларни: Фарғона водийсини, Ўратепадан тортиб то Зомингача бўлган ҳудудларни қадам-бақадам кезиб чиққан. Ҳар бир сўзга, ҳар бир деталга синчковлик билан ёндашган. Ўзининг хотирлашича, «Зарбулмасал»да тилга олинган Қайқубоднинг қаерда жойлашганини топиш жуда мушкул бўлган. Навбатдаги изланишлардан чарчаб, диққинафас бўлиб турган тонглардан бирида отаси: «Мулла Фатҳиддин, нега кайфиятингиз йўқ? Бирор нарса бўлдими?»– деб сўраган экан, домла: «Шунча ҳаракат қилсам ҳам Гулханийнинг Қайқубодини тополмаяпман», – дебдилар. Отаси: «Шунга ҳам сиқиласизми? Қайқубод ўзимизнинг Қува-да!» – деган экан. Ф.Исҳоқов отасининг ҳам гапига ишонқирамай изланишда давом этган. Маълум бўлишича, Қайқубод ҳақиқатан ҳам қадим Қуванинг шаҳристони бўлиб чиққан.

«Ҳар қандай Шарқ шоирининг ижодини ўрганиш унга тегишли бўлган барча асарларнинг илмий-танқидий матни тузиб чиқилгандагина мустаҳкам заминга эга бўлиши мумкин», – деган эди Е.Э.Бертельс [7]. Ф.Исҳоқов мана шундай эзгу ишга қўл урган ва уни Гулханий ижоди мисолида қойилмақом қилиб бажарган хассос тадқиқотчилардан саналади. Устоз томонидан амалга оширилган ишлар ҳали кўп асрлар давомида халқимиз томонидан эъзозланиб, улуғланиб туради. Домланинг илм йўлида чеккан заҳматлари унинг ўзи эътиқод қўйган «Зарбулмасал» каби боқий туражак.

Адабиётлар:

1. Алишер Навоий асарлари луғатига ёзилган сўзбоши.– Т.: Академнашр, 2017.– Б. 4.

2. «Бобурнома» учун қисқача изоҳли луғат» (тузувчи Ф.Исҳоқов).– Андижон: Андижон нашриёт-матбаа ОАЖ, 2008.- 236 б.

3. Исҳақов Ф. Гулханийнинг «Зарбулмасал» асари.– Т.: Фан, 1976.–220 б.

4. Исҳақов Ф. Мактабда Гулханий адабий меросининг ўрганилиши.– Т.: Ўқитувчи, 1983.– 120 б.

5. Исхаков Ф. «Зарбулмасал» – ценный памятник для истории узбекского языка.– Т.: Фан, 1974.– С.274.

6. Исҳақов Ф. Эски ўзбек ёзуви.– Андижон, 1992.

7. Исҳоқов Ф. Гулханий «Зарбулмасал»ининг илмий-танқидий матни: Филол. фанлари докт. ... дисс. автореферати.– Т., 1997.– 48 б.

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети,
2018 йил 28 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Д.Қуронов)